



# Тўғри муқдорак, байрам муқдорак!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

## ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА  
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ  
ЧИКИШИ

№ 207 (5300).

22  
ОКТАБРЬ  
СЕШАНБА

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

**ПАРТИЯ БАЖАРГАН ЖУДА КАТТА ИШНИНГ, МИЛЛИ-ОНЛАБ ИШЧИЛАР ВА КОЛХОЗЧИЛАР, ОЛИМЛАР ВА МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИ ҚИЛГАН ФИДОКОРОНА МЕХНАТНИНГ САМАРАЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУГУНГИ РАВНАҚИДА ФАХРЛАНИБ КЎРИБ ТУРИБМИЗ.**

Л. И. БРЕЖНЕВ.

## ЯГОНА ОИЛАДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Компартиясининг ташкил этилганга эллик йил тўлди.

Бутун мамлакат, бутун Ўзбекистон халқлари билан биргаликда Тошкент области меҳнаткашлари ҳам бу порлоқ шонли санани тантанали нишонламоқдалар. Шу кунларда қардош қорақалпоқ халқи ҳам автоном республиканинг янги ташкилоти ташкил этилганлигини янги асрлик тўйини зўр ҳуррадан билан байрам қилмоқда.

Ягона кўп миллатли Совет давлати иттифоқини республикалар қардошларига оила-сининг мўқосиб аъзои бўлган Ўзбекистон ССРнинг бундан ярим аср муқаддам ташкил этилганлиги — мамлакатимизда пролетар интернационализи тантанасининг, ленинча миллий сиёсат партияимиз томонидан изчиллик билан амалга ошириб келинганлигининг ёрқин далилидир.

Совет ҳокимияти йилларида ўзбек халқи нима-ларга эришганлигини ёрқин тасаввур этмоқ учун ўтмишга бир назар ташлаш ўринлидир. Улуғ Октябр революциясидан илгари ўлкаимизда ҳоли қарийб ёлпасига саводсиз бўлиб, диний сарқитлар чуқур илдиз отган, феодал муносабатлар, патриархал ишлаб чиқариш усули ҳукмрон эди, майда деҳқон хўжаликлари ниҳоятда қашшоқ, меҳнаткаш халқ тамомили ҳуқуқсиз эди.

Улуғ Октябр социалистик революциясини ўзбек халқини социал-иқтисодий ва миллий зулмдан халос қилди. Шу октябр нури билан ўзбек халқи янги ҳаёт курилишининг янги йўлига қадам қўйди, ўзининг миллий социалистик давлатини барпо этиш шарофига муваффақ бўлди. Ўзбек халқи ўзининг суверен социалистик республикасини ташкил этиб ва ССР Иттифоқи составига иштироки равишда кириб чинакам миллий уйғониш йўлига қадам қўйди, тарихий иқодиётининг катта йўлига чиқди. Совет ҳокимияти йилларида бизнинг ўлкаимизда ўз мўқоси ва аҳамиятига кўра мисли кўрилмаган турли ўзгаришлар яхшиди. Социалистик миллатларнинг ягона оила-синда Ўзбекистон эришган ютуқлар бугунги кунда бутун жаҳонни ҳайратга солмоқда.

В. И. Лениннинг кўрсатмаларига амал қилиб, КПСС совет шароити халқларини социалистик курилишга кенг жалб этишининг конкрет вазифаларини ишлаб чиқди ва бу вазифаларни муваффақият билан амалга оширишга моҳирона раҳбарлик қилди. Партия меҳнаткаш омманинг сиёсий ва меҳнат активлигини жўш урдири, уларни ижтимоий ҳаётнинг ҳал қилувчи соҳалари бўлган иқтисодий, сиёсий ва маданий-маиший соҳаларни тубдан қайта ўзгаришга сафарбар этди.

Совет Ўзбекистонининг шонли тарихий йўли коммунистлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

М. М. МУСАХОНОВ,  
Ўзбекистон КП Тошкент область  
комитетининг биринчи секретари

Ҳозирги вақтда ўз сафарида қарийб ярим миллионлик КПСС аъзосини бирлаштирган Ўзбекистон Коммунистик партияси тараққиётимизнинг ҳамма босқичларида меҳнаткаш омманинг авангарди бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Компартияси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг таркибий қисми сифатида барпо этилди, ўси ва ташкилий жиҳатдан мустақамланди. У халқ оммаси билан алоқаларини муттасил мустақамлаб бориб, Ленин партияси Марказий Комитети раҳбарлигида қаҳрамонлик ва коммунизм идеал-ларига чекиз сadoқатга тўла шонли йўлни бо-сиб ўтди. Ўзбекистон Компартиясининг сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти республика меҳнаткаш-ларининг катта ҳурмати, ишончи, қизғин қў-лаб-қувватлашига сазовор бўлди. Шунинг учун ҳам республикамизнинг ва Ўзбекистон Коммуни-стик партиясининг 50 йиллигини кенг меҳнаткаш-лар оммаси монолит бирдам бўлиб нишонла-моқдалар.

Мамлакатимизда совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки кунлардан бошлаб, халқларнинг буюк дўстлиги ленинча миллий сиёсат негизда кенг ривожланди. Бу дўстлигининг буюк ҳаётбахш натижаси рус халқи ва мамлакатимиздаги бошқа қар-дош халқларнинг Ўзбекистон ССРни ташкил этишда берган бекимс катта ва бегараз ёрдами-да ёрқин намоён бўлди. Молиявий, озиқ-овқат, техникавий жиҳатдан, шунингдек, малакали кадр-лар тайёрлаб етиштириш йўли билан берилган бу ҳар томонлама ёрдам ёш республикани ри-вожлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўл-ди.

Ана шу ёрдам кучи билан Ўзбекистонда би-ринчи умумхалқ курилиш ишлари авж ола бош-лади. Катта Фарғона канал афсонавий халқ ку-рилишига айланб, замондошларини ўзининг мис-ли кўрилмаган суръатлари ва ташаббус намуна-си билан ҳайратга солди. Иваново ва Подмосковье тўқимачилари Тошкент тўқимачилик комбинати учун асбоб-ускуналар юбордилар. Улар бу ус-куналарни ўрнатишда яқиндан ёрдам бердилар ҳамда ўзбек йигити ва қизларига янги касбларни ўргатиш учун шу комбинатда ишлаш учун қол-дилар. Бу — Россия ишчилар синфининг бега-раз ёрдамини ва савоатини кўрсатуви қўлдан-қўл инсоқлардан биқирди. Минглардор ўзбек хал-қи бу ёрдамини асло эсдан чиқармади, уни юк-сак қадрлайди. Республика меҳнаткашлари ҳам ўз набаида, Улуғ Ватан уруши йилларида қў-дан-қўп завод ва фабрикалари, эвакуация қи-

линган оилаларни ўз бағрига олиб, чинакам би-родарлик намуналарини кўрсатдилар.

Коммунистик курилишининг ҳар бир босқичида социалистик ҳамдўстлигининг шакллари ўзгариб борди. Шундай бўлсада унинг асл моҳияти сақ-ланиб қолверди. Биз буюк қардошлик иттифо-қида яшаб, уларни рўзгордан баббаравар баҳра-манд бўлмоқдамиз.

Социалистик тузумнинг афзалликлари ҳамда мамлакатимиздаги барча қардош халқларнинг катта ёрдами туялган Ўзе-кистон тарихан қисқа вақт кичда асрий қо-лоқликка хотима бериб, социализм кўрди га эндиликда коммунизмнинг моддий-тех-ника базасини яратишдан иборат умум-халқ ишга мўқосиб ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон умумииттифоқ меҳнат тақси-мотида мамлакатнинг асосий пахта базаси сифатида ривожланиб, революциядан ил-гари даврдан мерос бўлиб қолган иқтисо-дий бир томонликка хотима берди ва ра-ционал кўп тармоқли ҳўжалиқни барпо эт-ди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР да со-вет ишлаб чиқариш асосий ўрни эгал-лаб, бутун ижтимоий мақсулотнинг 57 про-центини ишлаб чиқармоқда.

Ҳозир Ўзбекистон, кўп тармоқли, саноати тез ривожланибган ўлкага айланди. Саноат иш-лаб чиқариши ҳажми 1940 йилдагига нисбатан 1973 йилда ўн баравар кўпайди. Сўнгги уч йил-нинг ўзидagina пландан ташқари 830 миллион сўмлик мақсулот реализация қилинди. Ҳозирги вақтда республиканинг индустриал қиёфасини машинасозлик, қончилик, металлургия, газ, нефть, кўмир қазиб олиш, химия ва радиотех-ника, электроника, ип-газлама, шойи газлама ишлаб чиқариш ва шулар сингари бошқа кўпчи-на етакчи саноат тармоқлари белгиланмоқда. Ҳо-зирги вақтда республикада саноатнинг юздан ортқ тармоғи мазмун бўлиб, унда эминсизий юксак умуми техника билан жиҳозланган 1300 дан кўп корхона бирлашган. Ўзбекистонда бир ярим миллионлик юқори малакали саноат иши-члари шаклланди.

Ишчилар синфи — социалистик Ўзбекистон-нинг суянган тоғи, партия сиёсатини актив ўтқа-зувчи, колхозчи деҳқонларнинг ишончли иттифо-қи ва таянчидир. Илгор ишчиларимиз эришган ютуқларга ҳисса қўшган кишилар — тур-ли миллат фарзандлари бўлиб, улар-нинг номлари бутун мамлакатга танилган. Метал-лург Саид Нурдиннов, экскаваторчилар брига-дир Хожки Алиқуллов, расточник Борис Ефремов, фрезеровщик Альбина Девятова, тўқимачи Булма Жўрвеева ана шулар жуғласидандир. Республи-канинг минглаб меҳнатчилари бу илгор ишчилар-нинг меҳнат жасоратидан ибрат олмақдалар.

(Давоми 2-бетда).



## ЎРТОҚ М. А. СУСЛОВ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ



ТОШКЕНТ аэропортида М. А. Сусловни кўтиб олиш пайти.

А. Авазов ва А. Горюхия фотоси. (ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг сек-ретари Ўртоқ Михаил Ан-дреевич Суслов Ўзбеки-стон Совет Социалистик респу-бликаси ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 50 йиллиги байра-мда қатнашиш учун 21 октябрда Тошкентга келди.

Тошкент аэропорти ранг-баранг либосда, Баланд флагштокларда

ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР, барча қардош иттифоқдор респу-бликаларнинг давлат байроқлари қўлираб турибди.

Аэропортга республика ва унинг пойтахти меҳнаткашлари-

нинг жуда кўп вакиллари келган-лар. Бу ерда саноат ва қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришининг ил-горлари, таниқли фан ва мадани-ят арбоблари, Ўзбекистон Компар-тияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидат-лари, Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзолари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари, Совет Армиясининг генераллари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонла-ри, партия, совет ва жамоат та-шиқотларининг раҳбарлари ҳозир бўдилар. Қўтиб олувчилар ора-сида шонли байрамда қатнашиш учун Тошкентга келган қардош республикаларнинг вакиллари бор.

Ўртоқ М. А. Сусловни кўтиб олиш учун КПСС Марказий Ко-митети Сиёсий Бюроси аъзолиги-га кандидат, Ўзбекистон Компар-тияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Раши-дов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кан-дидат, Ленинград область партия Комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзоли-гига кандидат, Белоруссия Компар-тияси Марказий Комитетининг би-ринчи секретари П. М. Машеров аэропортга келдилар. Тантаналарга келган делегацияларнинг бошлиқ-лари — Компартиялар Марказий Комитетларининг биринчи секре-тарлари Грузиядан — Э. А. Ше-варднадзе, Озарбайжондан — Г. А. Алиев, Молдавиядан — И. Н. Бодюл, Тўркиястондан — Т. У. Узулбаев, Тожикистондан — Ж. Р. Расулов, Туркменистондан — М. Г. Гапулов, Эстония Ком-партияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари К. В. Лебедев,

(Давоми 2-бетда)

## ПЛАН ТЎЛДИ, МАЖБУРИЯТ ХАМ БАЖАРИЛАДИ!

Республика қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира-бориб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компар-тияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигини мў-носиб кўтиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, ўз фидокорона меҳнатлари билан ҳамма жода пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар ва мисли кўрилмаган қисқа муддатда — респу-блика юбилейи арафасида — 21 октябрда пахта тайёрлаш халқ ҳўжалик планини бакардилар.

Мамлакат 4 миллион 580 минг тонна Ўзбеки-стон «оқ олтинини» олди. Бу эса 1973 йилинги шу муддатда давлатга сотилган миқдорга қараганда 260 минг тонна кўп. Пахтанинг 80 проценти би-ринчи сортларга топирилади.

Сирдарё, Тошкент, Жиззах, Андижон, Қашқа-дарё, Хоразм областларининг колхоз ва совхоз-лари, 65 район республиканинг юзлаб колхоз ва совхозлари, минглаб бригадалари пахта йиғи-теримини уюшқоқлик билан олиб бориб, халқ ҳўжалик планини муддатидан илгари бакарди-лар. Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё, Фар-ғона, Бухоро, Наманган ва Самарқанд областлари ҳўжаликлари пахта тайёрлаш планини бакарши арафасида турибдилар. Пахта тайёрлашининг юк-сак суръатларига эришишда пахта териш маши-наларидан сериунум фойдаланиш жуда муҳим

роль ўйнади. Меҳанизаторлар тайёрланган пахта-нинг ярмидан кўпини, 2 миллион 320 минг тон-насини машиналарда тердилар.

Сирдарё области колхозлари ва совхозлари тайёрланган пахтанинг 83 процентини, Тошкент области 76 процентини, Жиззах области 73 про-центини, Самарқанд области 62 процентини ма-шиналарда териб олиб, машина терим планини муваффақиятли адо этдилар.

Совет ҳўкумати катта ёрдам берганлиги ва па-тахчиларнинг ривожлантириш тўғрисида тинимай гом-хоз қодимлари, қишлоқ қўналиги ва суз ҳўжа-лиги мутахассислари, республиканинг барча меҳ-наткашлари қаҳрамонларча меҳнат қилганликлари ҳамда мусобақадор қардошларимиз — То-жикистон, Туркменистон, Озарбайжон, Қирғизис-тон ва Қозғистон пахтакорларининг катта ёрдам берганлиги натижасида шу ажойиб ғалабани қўлга киритдилар.

Қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашлари етиштирилган ҳосилни уюшқоқлик билан териб олишни давом эттирмоқдалар, ҳамма ҳосилни нобуд қилмай те-риб олиш ҳамда Ватанга қалмида 5.000.000 тонна пахта топиришдан иборат юксак социалистик мажбуриятларини сўзсиз адо этиш учун фидоко-рона ишламоқдалар.

## „ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ“ КОЛЛЕКТИВИ ЮТУҒИ

«Главташкентстрой» Бош бошқармаси коллективи бош пудрат бўйича курилиш-монтаж

ишлари ўй ойлик планини муд-датидан илгари 21 октябрда, ўз кучлари билан эса 17 октябр-да бакарди. Илг охиригача яна планга қўшимча 5 миллион сўмлик курилиш-монтаж ишла-ри амалга оширилди.

Бош бошқармага қарашли

саноат корхоналарида курилиш материаллари реализация қи-лиш плани 18 октябрда бажа-рилди. Илг охиригача курилиш объектларига пландан ташқари 3 миллион сўмлик биноқорлик материаллари етказиб берила-ди.

# 1924 СОВЕТЛАР ДИЁРИДА ЯГОНА ОИЛАДА

[Боши 1-бетда].

Бизнинг республикамизни ҳақиқатида улкан қурилиш майдончасига қиёс қиладилар. Капитал қурилиши мисли қурилмаган миқдосда ажас олмакда. Улканда ўтган ярим аср ичида улкан индустрия корхоналари билан биргаликда йирик саноат ва маданият маркази бўлиб қолган кўпгина шаҳарлар бунёд этилди. Меҳнат шижоатига тўла бунёдкорларнинг қўли билан азиям дарёлар ва денгизлар бунёд этилди. Нодир гидротехника иншоотлари қурилди. Неча минг километр узунликда темир йўл магистраллари ва автомобиль йўллари ётқизилди. Замонавий алоқонинг ҳамма турлари, коммунал хўжалик, савдо, маиший хизмат кўрсатиш кенг ажас олди.

Кўп тармоқли халқ хўжалиги комплекси бўлиб қолган, ҳам республика, ҳам бутун совет мамлакатининг маданийлик, маънавийлик жавоб бераётган республика қишлоқ хўжалиги интенсив ривожланмоқда.

Ўзбекистон—мамлакатимизнинг асосий пахта базасидир. Совет пахтасининг асосий қисmini етказиб беради. Ўзбекистон пахтакорларининг куч-қудратини тўғайди. Совет Иттифоқи 1970 йилдаги пахта етиштириш бўйича жаҳонда биринчи ўринга чиқди. Ўтган йили республикада рекорд ҳосил етиштирилганлиги план—топшириқларини ва социалистик мажбуриятини ҳам анча ошириб бажариб, Батанга 4,908 минг тонна «оқ олтун» топшириш имконини берди. Бу йилги социалистик мажбуриятимиз—5 миллион тонна. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейи арафасида пахтакорларимиз умумиттифок хирмонига 4 миллион 580 минг тонна пахта етказиб бериб, халқ хўжалиги планини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Ўзбек пахтакорлари ўз устларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақият билан бажарганликлари тўғрисида рапорт берадиган кўнлар ҳам яқин.

Ленин йўлидан оғинмай бориб, КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати суғорилмаган деҳқончиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Мирзачўл, Қарши ва Шеробод қўлларини ўзлаштириш ишлари кенг фронт бўлиб, мисли қурилмаган миқдосда олиб борилаётган, янги сув омборлари қурилмоқда, ирригация-мелиорация иншоотлари техникаси такомиллаштирилмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 900 дан кўп суғориш системалари мавжуд бўлиб, уларнинг бўйида 48 минг гидротехника иншоотлари қурилган.

Суғорилмаган ерлар майдонининг кенгайиши, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг прогрессив методлари қўлланлаётганлиги, химиялаштириш жорий этилаётганлиги, колхозлар ва совхозларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамлаётганлиги қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги ва жамоат ҳоравининг махсуддорлигининг ўсишига имкон бермоқда. Республикада пахтачилик билан бир қаторда дон, шў жумланган шол, сабзавот, ҳўл мева ва узум, гўшт, тухум, сўт, пилла, қанол ҳамда бошқа деҳқончилик ва ҳоравининг махсудотлари етиштириш ҳам тобора ўсишмоқда.

Ўнгги ўн йил ичида қишлоқ хўжалигида олға тонган катта қадам ташланди. Бунда КПСС Марказий Комитети томонидан ва ўртоқ Л. И. Бреж-

нев раҳбарлигида ишлаб чиқилган, изчиллик билан амалга оширилётган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг интенсивлаштириш, ишлаб чиқарувчи кўнларни юксатириш ва қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш борасидаги катта-катта тадбирлар системаси бебаҳо роль ўйнамоқда. КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленумидан кейин ўтган йиллар партияимиз аграр сибсатининг буюк ҳаётий кўнни ангадиганлиги далиллар билан исботланмоқда.

Қишлоқ хўжалигини индустриаллаштириш жараёни тўбора кучайиб бораётганлиги, унинг техника билан актив риваида қуролланиётганлиги қишлоқ хўжалиги меҳнати характери кўз ўнгимизда жиддий риваида ўзгаришмоқда. Бу ҳол ҳам иқтисодий, ҳам социал аҳамиятга эгадир.

Колхоз тузумининг ғалабаси тўғайди ўзбек деҳқонлари оғида чинакам социалистик ўзгаришлар юз берди. Улар юксак маданият деҳқонларга айландилар. Чунки, социалистик мулкнинг икки шаклини бирлаштириш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги жиддий тафовутларни бартафариқ этишдан иборат муҳим проگرامма вазифаларини ҳал қилиш учун реал шароитлар яратилмоқда.

Пойтахт области меҳнатқашлари республикаимиз ва Ўзбекистон Компартиясининг олтин юбилейини янги меҳнат зафарлари билан, экономика, қишлоқ хўжалиги, маданиятни ривожлантиришда катта ютуқлар билан кўтиб олдилар. Област ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, меҳнатшан ээлилари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун бошланган музабатнинг олдинги сафларида бормоқдалар.

Тошкент областида беш йилликлар даврида бунёд этилган индустриал шаҳарлар кўп. Улар орасида Чирчиқ алоҳида ўрнида туради. Бу ветеран социалистик шаҳарнинг биринчи гишти урушдан олдинги беш йилликларда қўйилган. Бугунги Чирчиқ—кимегарлар, машинасозлар ва металлургия шаҳри бўлиб қолди. Янгийўл—бу республикаимизнинг енгил ва озиқ-овқат саноати шаҳри, Бекобод—қора металлургия ва цемент шаҳри, Ангрен—энергетика, кўмир қазиб чиқарувчилар, керамика шаҳри, Охангарон—қурилиш материаллари ва цемент ишлаб чиқарувчилар шаҳри, Олмалик—ранги металлургия, минерал ўғитлар, маиший химия махсудотлари ишлаб чиқарувчи шаҳар бўлиб қолди.

Шў тармоқларининг ҳар бири йирик замонавий корхоналарга аэа бўлиб, республика меҳнат тақсимотида атакли роль ўйнайди. Республика саноат махсудотининг умий ҳажмида Тошкент области корхоналарининг қисси қариб 40 процентини ташкил этиди. Област шаҳарларида троллейворлар, пахта тегиш машиналари, селюклар, бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси, экскаваторлар, химия ускуналари, компрессор станциялар ишлаб чиқаришмоқда. Тошкентда бўлашақларнинг бош корхоналари жойлашган бўлиб, улар бутун жаҳонга машҳур бўлган самолётлар ва тўқимачилик машиналарини ишлаб чиқармоқда.

Юбилей йилида область пахтакорлари ажойиб ғалабага эришдилар. Улар етиштирилган пахта

ҳосилини қисқа муддатларда ва нобудгарчиликка йўл қўймаган ҳолда йиғиб-териб олиб, 14 октябрда халқ хўжалиги планини бажардилар. Яқин кўнларда социалистик мажбуриятларини бажардилар. Батанга 420 минг тонна пахта етказиб берилади. Шунингдек, давлатга сабзавот, картошка, лилла, жун топшириш йиллик плани ҳам бажарилди. Давлатга гўшт, сўт сотиш плани ҳам ўтган йилдадан анча тез бажарилмоқда.

Биз пойтахтимиз—буюк Советлар Иттифонининг Шарқдаги чинакам машаали бўлиб қолган Тошкент билан ҳақиқатида фахрланамиз. Унинг корхоналари ҳар йили 2 миллион сўмликдан кўп махсудот чиқармоқда. Бу махсудотлар мамлакатимизнинг ҳамма бурчақлари ва дуненинг қариб юз мамлакатига етказиб берилмоқда. Тошкент чиндан ҳам ўзбек фани ва маданиятининг маркази, дўстлик шаҳри, кўпгина муҳим сибсий, илмий ва маданий халқро учрашувлар ўчоғи бўлиб қолди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати, Москва, Ленинград ва бошқа қардош республикалар меҳнатқашларининг жуда катта ёрдами тўғайди 1966 йил элизила оқиётлари мисли қурилмаган тез муддатда тўғайди.


Эски қиёфаси билан солиштириб бўлмайдиган янги Тошкент кўп миллатли Ватанимиз халқлари бузилмас дўстлигининг улугвор тисоли бўлиб қолди.

Саноат, қишлоқ хўжалиги ва экономиканинг бошқа соҳалари муттасил тараққиёт этиб бораганлиги тўғайди, республика меҳнатқашларининг моддий ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. Меҳнатқашларнинг уй-жой ва коммунал-маиший шароитларини тобора яхшилаш юзасидан катта ишлар қилинмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси кўз ўнгимизда кун сайин ўзгармоқда. Илгарги қишлоқлар ўрнида социалистик ҳаёт тарзи қарор топган янги посёлкалар пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистонда социалистик қурилиш йилларида маданий ҳаётимизда чинакам революцион ўзгаришлар амалга оширилди. Республикада халқ хўжалиги мутахассислари, олимлар ва ижодий ээилларнинг катта отради ўсиб етишди. Ўзбек ёзувчилари, рассомлари, композиторлари, кинематографчилари кўпгина ажойиб асарлар яратиб, уларда давримизнинг улугворлигини, инсоний муносабатларимиз ғўзаллигини, бузилмас халқлар дўстлигини тарвнум этимоқдалар. Матбуот, радио ва телевидение соҳасида ҳам катта ютуқларга эришилди.

Ишлаб чиқарувчи кўнлар юксак даражада ривожланганлиги, социал-маданий ва маънавий ўзгаришларимиз миқссининг кенглиги—буларнинг ҳаммаси ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ ээиллари фидокорона меҳнатининг натижаси, Ватанимизда яшовчи барча қардош халқлар, аввало оғамиз улуг рус халқи берган ёрдам ва катта ёрдамнинг қисмати, КПССнинг жангловар отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкилотчилик ва сибсий фаолиятининг самарасидир.

Ўзбек халқи ўз тақдирини улуг рус халқи ва Ватанимиздаги бошқа қардош халқлар билан абадий бағланган. Бу дўстлигини халқимиз мўқаддас мулк деб билиб, Совет Иттифоқи халқлари ягона оиласига мансублиги билан чексиз фахрланамиз.



Суратда: пойтахтимизнинг Ленин номли майдонда доҳийга ўрнатилган ҳайкалининг тантанали очилиш пайти.

А. Абалая фотоси.

## В. И. ЛЕНИН ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИ

В. И. Ленин номли майдон тош кентликлар учун ҳам, Ўзбекистоннинг барча меҳнатқашлари учун ҳам гоат азиз ва табаррук жой. Шў майдон республика ва унинг Компартиясининг олтин юбилейи байрами арафасида янада бшариб, ажойиб бир манзара касб этди.

Бинокорлар байрамга муносиб тухфа тайёрладилар. Улар майдонни қайта қурилиш тўғайиб, уни кенгайтирдилар, амалда Тошкентнинг янги қиёфасига таомилла муносиб бўлган янги архитектура ансамблини яратдилар. Анҳор соҳилида Владимир Ильич Лениннинг 30 метрли улугвор ҳайкали қад кўтариб турибди. Ҳайкалнинг атоқли хайкалтошчи, Ленин мукофоти ва давлат мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Бадийи академиксининг президенти Н. В. Томский, шунингдек тошкентлик архитектор С. Р. Одилов яратдилар. Минг-миглаб тошкентликлар, Урта Осиёда революцион ҳаракат ветеранлари, маҳаллий гарнизон жангчилари, пионерлар ва ўқувчилар 20 октябр эрталаб меҳнатқашларнинг улуг йўлбошчиси ва устози, Коммунистик партия ҳамда Совет давлатининг асосчиси ёдгорлигини очиб маросимига бағишланган тантанали маросимга келдилар.

Тантанали митингнинг Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев очди. Совет Иттифонининг давлат гимни улугвор янгради. Артиллериядан берилган салют саздолари гўмбурлади.

«Висотлари 11-трести биринчи қурилиш бошқармасининг проораби А. Алихўжаев, партия ветерани, 1919 йилдан бери КПСС аэозиси И. С. Секретарев, Тошкент Давлат университетининг студенти М. Отахоновлар нутқ сўзладилар.

Митингда монумент лойиҳасининг автори Н. В. Томский нутқ сўзлади.

Ҳайкални КПСС Марказий Комитети Сибсий Бюроси аэозитининг кандидати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

Ўзбекистон ССР-гининг тантанали янгради. Фаҳрий қорувул жангчилари монумент ёнида шаддам қадам ташлаб ўтадилар. Бир зумда ҳайкал ээилларини гулдасталар билан тўғайди. (ЎзТАГ).

## ЎРТОҚ М. А. СУСЛОВ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

[Боши 1-бетда].

Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари К. С. Демирчян, Москва шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тижельников, Иваново область партия комитетининг биринчи секретари В. Г. Клюев, Олий Советлар Президиумларининг раислари РСФСРдан—М. А. Яснов, Украина ССРдан И. С. Грушецкий, Қозогистон ССРдан С. В. Нигебеков, Министрлар Советларининг раислари: Литва ССРдан И. А. Манюшис, Латвия ССРдан Ю. Я. Рубин, Болгария Коммунистик партияси Хасково округ Комитетининг биринчи секретари Г. Н. Корцанов, Болгария Совет дўстлиги умумхалқ комитетининг раисининг ўринбосари, Болгария Компартияси Марказий Комитетининг аэозиси К. Нестеров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аэозлари ва аэозлинича нандидатлари И. Г. Аписимкин, С. Е. Белоножко, П. Р. Қурбанов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М.

Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. Камолов, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. Х. Худоев, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, Г. А. Габуриллаев, И. В. Марчинов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, министрлар улар билан бирга эдилар.

Хаво лайнери ерга қўниб, аэровокзал ёнида ёнига келиб тўхтади. Зиналора ёнида Ўртоқ М. А. Сусловнинг Ш. Р. Рашидов, Г. В. Романов, П. М. Машперов, тантаналарда қатнашувчи делегацияларнинг раҳбарлари самийий табриклар кўтиб оладилар.

Республиканинг бир группа дондор кишилари—Пахтачи район партия комитетининг биринчи секретари З. Норкулова, Бекобод районидаги «Победа» колхозининг бригадирини, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Эгамбердиев, Тошкент инструментал заводи тоқари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. А. Ефимов, М. А. Сусловга нон-насиба қўйилган анъанавий дастурхон тўтадилар. Болалар меҳмонга гулдасталар

тақдим этадилар. Машиналар кортежи шаҳар томон йўл олади. Минг-миглаб тошкентликлар Михаил Андреевич Сусловни қизини табриклар турдилар. Улуг Ленин партиясини, халқларнинг бузилмас дўстлигини шарафловчи, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 50 йиллигини шарафловчи хитоблар янгради.

Ленин номли майдон. Тантана арафасида бу ерда меҳнатқашларнинг йўлбошчиси, Коммунистик партия ва кўп миллатли совет давлатининг бунёдкори В. И. Лениннинг улугвор хайкали очилган эди. М. А. Суслов, П. М. Машперов, Ш. Р. Рашидов, Г. В. Романов ўртоқлар, делегацияларнинг аэозлари Владимир Ильич Ленин хайкали суясига гулдасталар қўядилар.

Майдон участкаларидан бирида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг олтин юбилейи шарафига Дўстлик ҳиббонини таъин этилган эди. Ҳиббонга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев номидан биринчи кўчат ўтказилди. М. А. Суслов, П. М. Машперов, Ш. Р. Рашидов, Г. В. Романов, қардош республикаларнинг раҳбарлари кўчатлар ўтказишди.

Ўртоқ М. А. Суслов Ленин майдонидида янги архитектура ансамблини кўздан кечириб бўлган, В. И. Ленин Марказий музейини Тошкент филиалига берди. У ёдгорлик кўргазмалари билан танишди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишланган виставкани кўздан кечирди. Музейнинг ҳурматли меҳмонлари дафтарига М. А. Суслов эсдалик сўзларини ёзиб қолдирди.

«Владимир Ильич Ленин музейининг юртингиздаги филиали гоат зўр таассурот қолдиради: бутун дунё меҳнатқашлари улуг устози ва йўлбошчисининг қурашнинг характерловчи ҳужжатлар меҳр-муҳаббат ва моҳирлик билан танлаб олинган ва кўрсатилган. Яшасин ленинизм!» (ЎзТАГ).

## ИНДУСТРИЯМИЗ ПАРВОЗИ

Серкўш Ўзбекистонимиз инсоният тараққиёти йўлида асрлар оша гоз бўлиб келган эски тузум асратларидан озод бўлиб, порлоқ истиқбол сари элтувчи социалистик ривожланиш йўлига қадам қўйганлигига ярим аср бўлди. Ўтган тарихий 30 йил ичида барча қардош республикалар оиласида жонажон республикаимиз энг янги техника воситалари билан мукамал қуролланган, мураккаб илмий-техника масалалари ва халқ хўжалиги вазифаларининг уйдасидан чиқа оладиган қудратли саноат уюмасига, аграрликдан йирик индустрия дйерига айланди.

Республикаимизнинг таркибий қисми бўлган пойтахт области саноатининг бугунги даражасини Октябрь инқилобидан аввалги қиёфасига қиёс қилиб бўлмайди. Асримизнинг 20 йилларидак ўз даврига нисбатан йирик қиёсбланган қозғош ва тикувчилик фабрикалари, чўйи қўйиш заводи, Бузсув гидроэлектростанцияси ва шулар каби бармоқ билан санарли даражада ош корхоналар ишга туширилган бўлса, зарбдор беш йилликлар даврида областимиз эканомикаси тенгсиз суръатлар билан юксалди. Ушандан бери бирор ой ёки йил йўқки, областимиз шаҳар ва қишлоқларида янги-янги корхоналари вужудга келмаган бўлсин. Ҳозир областимизда қудратли индустриянинг юздан ортқ тармоғи мавжуд. Замонавий техника асбоб-ускуналар билан қуролланган комбинат ва завод-фабрикалар сонин 400 дан ошиб кетди. Бу саноат дەرғўхларида 250 мингдан эиэд ишчи фидокорона меҳнат қилмоқда. Улар Ўзбекистонда тайёрланаётган саноат махсудотларининг қариб 60 процентини ишлаб чиқармоқдалар.

Областимиз бир қатор муҳим саноат махсудот турларини ишлаб чиқаришда республикаимиздагина эмас балки Иттифокда ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Пахтачилик учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш бўйича Совет Иттифокда биринчи ўринда, тўқимачилик саноати машиналари ва ил-ғозлама таёрлашда иккинчи, химия асбоб-ускуналари, кабел ва буюмлар, кўпирк иралари ишлаб чиқариш ва мис қазиб чиқаришда учинчи ўринда бормоқда.

Областимиз меҳнатқашлари индустриализмнинг ҳозирги юксак даражаси билан халқни риваида фахрланидилар. Ҳозир бизда шундай завод ва фабрикалар мавжудки, уларда тайёрланаётган турли-туман махсудотлар жаҳон бозорига мамман деган капиталистик мамлакатлар билан тенг-тенг рақобат қилиб, ўзбек саноатининг доаругини оламга таратмоқда. Ярим аср илгарий машиналар у ёнда турсин, ҳатто ил, игна, оддийгина деҳқончилик қуролларини ҳам четдан сотиб олишга мажбур бўлган областимиз бугун-

ги кунда ер юзининг 60 дан ортқ мамлакатига 200 хилдан эиэд турли саноат махсудотларини экспорт қилаётир.

Социалистик индустриализмнинг юқори тараққиёт даражасига кўтарилиб олиши учун 30 йилгина кифоя бўлди, холос. Ҳолбуки, ғарб капиталистлари ўз индустрияларини ҳозирги даражага олиб чиқишлари учун 150 йилдан ортқ вақт сарфладилар. Бизнинг тарихий қисқа давр ичида бундай тенгсиз парвозга эришимиз Коммунистик партия ленинча миллий сибсатининг мевасидир.

Ўтган ярим асрлик сермашаққат меҳнатимиз меваси сифатида бунёдга келган химия машинасозлиги саноати шаҳри Чирчиқ, бинокорлик материаллари саноатлари маркази Охангарон, рангли металлургия ва конурда саноати ўчоғи Олмалик, металлургия, цементчилар ва энергетикалар шаҳри Бекобод, пахта тозалаш, ағ, консерва саноати маркази Янгийўл, республикаимиз қочғармаси Ангрен шаҳарлари—бу бугунги кунда республикаимиз индустриализмининг қудратли таянчларига айланган.

Пойтахт области саноатчилари КПСС ҳамда Иттифок ҳукуматининг области индустриясини ривожлантириш йўлида йўрсатётган чексиз ғам-хўрликларида аэализ иш билан жавоб бермоқдалар. Улар юбилей йилида ҳар қачондиган ҳам баланд руҳ ва фидокорлик билан меҳнат қилиб, бу кутлуғ санани вруг ош билан қарши олмақдалар. Белгилловчи қилинган ялпи махсудот ва саноат махсудотининг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш тўққиз ойлик плани ортиғи билан адо этилди.

Областимиз саноати 50 йил ичида улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бирок, бу биз учун хали чегара эмас. Областимизнинг бундан буён ҳам халқ хўжалигининг барча тармоқлари бўйича мамлакатимизнинг йирик саноат маркази бўлиб қолиши, индустриализмининг янада гуркираб ўсиши учун курашамиз.

А. КОДИРОВ, Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонтини заводи тоқари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Г. АХМАДЖОНОВ, Олмалик мис эритиш заводи эритувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Б. ЕФРЕМОВ, «Ташсельмаш» заводи фрезерчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Х. АЛИҚУЛОВ, Ангрендаги кўмир резрезни экскаватор машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

С. НУРИДДИНОВ, Бекободдаги металлургия заводи прокат цехининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.



В. И. Ленин ҳайкали суясига гулчамбарлар қўйиш. М. А. Суслов «Халқлар дўстлиги» ҳиббонига кўчат ўтказмоқ. А. Авазов ва А. Горюкин фотолари. (ЎзТАГ).





